

Кузатув кенгаши томонидан
2022 йил 29 ноябрдаги
3 - сон баённома билан
«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»

«Ангрен логистика маркази» АЖнинг

2023 йил учун тайёрланган

Б И З Н Е С Р Е Ж А С И

Давлат номидан акциядор
(иштирокчи, таъсисчи) функциясини
бажарувчи ташкилот номи

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активлари агентлигининг
Тошкент вилояти ҳудудий
бошқармаси

Идоравий мансублиги

Хўжалик бошқаруви органи

Почта манзили, е-хатманзили
(ёки электрон почта манзили)

Email: clangren@bk.ru

СТИР

207 018 124

Ижроия органи раҳбари

Б.Абдураимов

Бош бухгалтер

А. Нигматов

МУНДАРИЖА

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

- 1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти);
- 1.2 Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари;
- 1.3 Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати;
- 1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;
- 1.5 Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя;
- 1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мақеи;
- 1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими

II. Корхонани ислоҳ қилиш

- 2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси, ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари ва ислоҳ қилишнинг 2023 йил учун режаси

III. Бозор ва маркетинг режаси

- 3.1 Бозор таҳлили
- 3.2 Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби
- 3.3 Рақобат
- 3.4 Маркетинг режаси

IV. SWOT-таҳлили

V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

VI. Кўрсаткичлар

6.1 Ишлаб чиқариш режаси

- 6.1.1. Хомашё захираси;
- 6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари
- 6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати
- 6.1.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси

6.2 Молиявий режа

- 6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар
- 6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)
- 6.2.3 Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)
- 6.2.4 Харажатлар ва таннархни оптималлаштириши.
- 6.2.5 Пул оқимлари прогнози
- 6.2.6 Молиявий барқарорлик, ликвидлилик ва тўлов қобилияти, қарздорлик (ички ва ташқи), кредитлар юки
- 6.2.7 Давлат бюджетига тўловлар прогнози
- 6.2.8 Молиявий кўрсаткичларнинг ўхшаши корхоналар билан солиштирилиши (бенчмаркинг)

VII. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)

VIII. Иш ҳақи тўлаш тизими

- 14.1 2023 йил транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиши ҳажми
- 14.2 2023 йил терминал хизматлари кўрсатиши ҳажми
- 14.3 Кутилаётган бухгалтерия баланси (чораклар кесимида)
- 14.4 Кутилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (ўсиб боровчи тартибда чораклар кесимида)
- 14.5 Даромадлар ва харажатлар сметаси (бюджети)
- 14.6 Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари

I. Жамият тўғрисида умумий маълумот

1.1. Жамият реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

Жамият тўғрисида маълумот, корхона паспорти

Жамиятнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи – “Ангрен логистика маркази” АЖ, “АЛМ” АЖ

Ташкилий-ҳуқуқий шакли – Акциядорлик жамияти

Фаолият тури – Транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш

Тармоқ: (ОКОНХ) 51510

Юридик манзили – Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ипак йўли кўчаси 1-уй

Устав капитали – 20 953 405 000

Чиқарилган акциялари – 4190 681

Статистик таснифлари - фаолият кўрсатаётган

СТИР: 207 018 124

Ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки – Х/р: 2020 8000 0047 9577 1001, “Трастбанк” ХАБ Тошкент филиали

умумий ер майдони – 19,07 Га;

бино-иншоотлар майдони – 8101,72 метр квадрат;

ишлаб чиқариш майдони – мавжуд эмас;

инфратузилмаси – мавжуд;

ишчилар сони – 96 нафар;

ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури – транспорт экспедиторлик хизмати;

асосий хомашёси- мавжуд эмас.

1.2. Жамиятнинг тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари

“Ангрен логистика маркази” АЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил хххх-с-сонли қарори билан Фарғона водийсига ва Фарғона водийсидан Қамчиқ довони орқали товар-моддий бойликларни иқтисодиёт тармоқларига автотранспорт воситаларида етказиб бериш мақсадида тузилган.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг “Махсусюктранс” МЧЖ балансидаги автотранспорт воситалари “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан берилган 30 миллиард сўм (заём) қарз ҳисобига “Ўзавтосаноат-лизинг” МЧЖдан лизингга харид қилинган.

2010 – 2016 йиллар мобайнида Қамчиқ довони орқали автотранспорт воситаларида 6 миллион тоннадан зиёд товар-моддий бойликларни иқтисодиёт тармоқларига етказиб берилган.

2016 йил 1 июлдан бошлаб Қамчиқ довонида янги қурилган электрлаштирилган Ангрен – Поп темир йўл линияси ишга туширилганлиги муносабати билан юк ташиш ҳажми 90 фоизга қисқарган.

Натижада “Ангрен логистика маркази” АЖ ва унинг “Махсусюктранс” МЧЖ томонидан давлат бюджетига мажбурий солиқ тўловлари, “Ўзавтосаноат” АКдан олинган 14,5 миллиард сўм (заём) қарзни ва “Ўзавтосаноат-Лизинг” МЧЖ ЛКдан олинган автотранспорт воситаларини лизинг тўловларини тўланмаганлиги учун банклардаги ҳисоб рақамларига солиқ ва суд ижрочилари томонидан банд солинган. 50 фоиздан ортиқ автотранспорт воситалари носоз туриб қолган.

Созлаш учун эҳтиёт-бутлаш қисмлари ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини харид қилиш учун молиялаштириш имкони бўлмаган. Ишчи-ходимларни иш ҳажми камайганлиги муносабати билан штат бирлигини 95 фоизи қисқартирилган.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг “Махсусюктранс” МЧЖни балансида бўлган автотранспорт воситаларини Мажбурий ижро бюроси Ангрен шаҳар бўлими томонидан e-аукцион.уз электрон савдосида сотилиб, давлат бюджетига мажбурий солиқ тўловлари, “Ўзавтосаноат” АКдан олинган 14,5 миллиард сўм (заём) қарзни ва “Ўзавтосаноат-Лизинг” МЧЖ ЛКдан олинган автотранспорт воситаларини лизинг тўловларини, ишчи-ходимларни ойлик маошидан бўлган қардорлик тўлиқ сўндирилган.


1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Қуввати	Қувватдан фойдаланиш			
				2021 й.	%	2022й.	%
1.	Транспорт-экспедиторлик хизмати	Тн	1 247 000	-	-	-	-
2.	Терминал хизмати	контейнер	51 000	-	-	-	-
жами			1 247 000	-	-	-	-

1.4. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот

“Анрен логистика маркази” АЖнинг ташкилий тузилмаси



“Ангрен логистика маркази” АЖ тизимига кирувчи ташкилотлар рўйхати:

минг.сўм

№	Корхона номи	Улуш миқдори (%)	Устав капитали (баланс қиймати)	Фаолият йўналиши	Олинган даромад (дивиденд)		Киритилган инвестициялар	
					2020й. 9 ойлик	2021й. 9 ойлик.	2020й.	2021й.
1. Тизимдаги корхоналар								
1.	-	-	-	-	-	-	-	-
2. Носоҳавий активлар								
2.	-	-	-	-	-	-	-	-
3. Бўш турган объектлар ва қувватлар								
3.	-	-	-	-	-	-	-	-

"Ангрен логистика маркази " АЖ таркибига кирувчи ташкилотлар мавжуд эмас.

№	Объектнинг номи	Эгаллаган ер майдони (Га)	Баҳоси (минг сум)
1.	-	-	-

А. Жамиятнинг асосий вазифалари:

Юкларни сақлаш, қайта ишлаш ва божхона расмийлаштируви билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, юкларни манзилига етказиш ишларини тез ва самарали амалга ошириш.

Жамият мижозларининг эҳтиёжларини қондириш, хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш ва мижозларга кенгайтирилган хизматлар кўрсатиш, акциядорлар манфаатлари йўлида даромад қисмини кўпайтириш.

Жамият бошқарув ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, иқтисодий ислохотларни кенгайтириш дастурини ишлаб чиқиш, юк ташишда мижозлар эҳтиёжларини яхшилаш учун «эшиқдан-эшиккача» тамойили асосида хизмат кўрсатиш.

Жамият томонидан мазкур комплекс чора-тадбирлар ва дастурлар доирасида транспорт хизматлари бозорида кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш, Жамиятнинг мамлакат ҳудудидаги транспорт хизматлари улушини кенгайтириш.

Жамиятнинг жозибадорлигини ошириш учун юк ташиш тарифларини арзон, ҳаракат хавфсизлигини ва юкни сифатли сақланишини таъминлаш.

Б. Жамият ва унинг хизматлари тавсифи:

Жамият мустақил юридик шахс бўлиб, 2022 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига хўжалик бошқаруви ҳуқуқида алоҳида мол – мулкка, яъни ихтисослаштирилган автомобил корхонаси, “Е” контейнер майдончасига эга.

Жамият ва унинг ички ташкилий тузилмаси иши янги ишлаб чиқариш ва молиявий муносабатларни ташкил этиш, автомобиль ва темир йўл хўжаликлари билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган.

Жамият мижозларнинг юklarини ташиш, юкларни нормал ва божхона режимида сақлаш ҳамда қўшимча хизматлар кўрсатиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини кенгайтириш ва яхшилаш учун мўлжалланган.

"Ангрен логистика маркази" АЖнинг асосий фаолияти юкларни ташиш бўйича транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатишдир. Жамиятнинг автокорхонасини эгаллаган ер майдони 11,87 Га бўлиб, автокорхонада 141 та автотягач, 30 та самосвал ва 305 та яримтиркама мавжуд.

"Ангрен логистика маркази" АЖнинг автотранспорт воситаларини таркиби.

№	Автотранспорт воситаси	Автотранспорт воситасини маркаси	Сони (дона)
1	Автотягач	MAN TGA 19.400 4x2BL	32
2	Автотягач	MAN TGA 26.400 6x4BLS	89
3	Автотягач	MAN TGS 26.400 4x2BLS	20
4	Самосвал	MAN TGA 33.360 6x4BB	30
Жами:			171
№	Ярим тиркама маркаси	Ярим тиркаманинг тури	Кол-во
1	OZCKURAT	Контейнеровоз	153
		Бортовой	47
		Автовоз	16
2	NP90MV	Цементовоз	5
3	ALKAN KAROSER	Рефрижератор	5
		Фургон (изотермический)	10
		Самосвальный полуприцеп	10
4	ALKAN OTOM	Фургон (тент)	1
5	SERIN	Автоцистерна	4
6	OZTREYLER	Контейнеровоз – рулоновоз с бортами	12
		Самосвальный полуприцеп	15
7	ALI RIZA USTA	Самосвальный полуприцеп	25
8	MAKINSAN	Тяжеловоз низкорамный	2
Жами:			305

"Ангрен логистика маркази" АЖнинг Е контейнер майдони ўз мижозларига терминал хизматлари, темир йўл хизматлари, товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш хизматларини кўрсатади. Терминал замонавий юкларни ташиш ускуналари, божхона, темир йўл бёкатлари ва автокорхоналар билан тўлиқ ишлайдиган алоқа тизими билан жиҳозланган. Е контейнер майдонининг контейнерларни ортиб-тушириш куввати 51 000 донани, сақлаш куввати йилига 81 030 дона контейнер/суткани ташкил этади.

Е контейнер майдонининг асосий вазифаси жамият томонидан тасдиқланган терминал хизматлари кўрсатиш режасини асосий кўрсаткичини ижросини таъминлаш, мижозларга терминал хизматлари кўрсатиш маданиятини оширишдан иборат.

Кўрсатиладиган хизматлар қиймати:

Юкларни ташиш ва ортиб-тушириш хизматлари қиймати жамият томонидан тасдиқланган тарифлар асосида белгиланади.

1.5. Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, шу жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя

“Ангрен логистика маркази” АЖда жами 96 та штат бирлиги, 46 та иш ўрни мавжуд. Амалда ишлаётганлар сони 96 нафар.

Улардан, 14 нафари - олий, 41 нафари - ўрта махсус.

Бошқарув ходимлари	13 нафар
Мутахассислар	11 нафар
Техник ходимлар	4 нафар
Ишлаб чиқариш ходимлари	41 нафар
Хизмат кўрсатувчи ходимлар	27 нафар

Ишчи-хизматчиларнинг ўртача сони 96 нафар.

Жамиятда ходимларни ишга қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади.

“Ангрен логистика маркази” АЖ жамоа шартномасининг ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимларни ишга қабул қилиш тартиби, меҳнат шартномаси тарофларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Ишга қабул қилишда қўйиладиган малака талаблари қуйидагича:

- маълумот даражаси (олий, ўрта махсус) ва амалий тажрибаси (лавозимдаги иш стажи);

- ходим риюя этиши керак бўлган норматив-ҳуқуқий, методик ҳужжатларнинг билим даражаси.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот

№	Ф.И.Ш.	Лавозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши, акциялар сони
I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)			
1.	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги	100 % (4190 681 дона акция)
II. Қузатув кенгаши аъзолари			
1.	Хайдаров Алишер Юсуфжонович	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг бош мутахассиси	-
2.	Жуланов Камол Жуланович	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг етакчи мутахассиси	-

3.	Тугизбаев Аъзам Абдураимович	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари	-
4.	Синдаров Жамшид Нуриддинович	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бўлими бошлиғи	-
5.	Мирзаев Зафар Захирович	Бизнес ва тадбиркорлик мактаби бўлим бошлиғи	-
III. Ижроия органи			
1.	Абдураимов Ботир Тўраевич	Бош директор	-

1.6. Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мақеи

“Ангрен логистика маркази” АЖ Фарғона водийсига ва Фарғона водийсидан Қамчиқ довони орқали товар-моддий бойликларни иқтисодиёт тармоқларига автотранспорт воситаларида етказиб бериш мақсадида Ангрен шаҳрида ташкил этилган.

2016 йил 1 июлдан бошлаб Қамчиқ довонида янги қурилган электрлаштирилган Ангрен – Поп темир йўл линияси ишга туширилганлиги, “Фарғонаазот” АЖ, “Ўзбекқўмир” АЖ, “Нестле-Ўзбекистон” ҚҚ, “Ўзмотрос” ҚҚ ва “Ўзавтосаноат” АЖнинг автомашиналарга эҳтиёт-бутлаш қисмларини ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналари ўз юкларини манзилига етказиш учун темир йўл транспортдан фойдаланишни йўлга қўйганлиги муносабати билан иқтисодиётдаги ўз ўрнини йўқотган.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг балансидаги автотранспорт воситаларининг 70 фоизи контейнер ва тайёр енгил автоманишаларни ташишга мўлжалланган. Қадокли ва донали юкларни ортишга мўлжалланган усти ёпик изотермик автотранспорт воситалар умумий автопаркни 10 фоизини ташкил қилади.

1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими

“Ангрен логистика маркази” АЖ 2014 йил 18 сентябрь куни транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш стандартлари бўйича ISO 9001:2008 халқаро сертификатини олган, 2017-2019 йил Ўзстандарт агентлигидан транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш стандартлари бўйича сертификат берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги “Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4230-сонли қарори билан 2019 йил 1 июлдан бошлаб транспорт-экспедиторлик хизматларини мажбурий сертификатлашни бекор қилинган.

II. Корхонани ислоҳ қилиш

2.1 Истиқболли ривожланиш, стратегия, ислоҳ қилиш мақсади ва бошқичлари ва ислоҳ қилишнинг 2023 йил учун режаси.

“Ангрен логистика маркази” АЖни истиқболли ривожлантириш, стратегияси мавжуд эмас. Жамиятнинг молиявий ночор аҳволи унинг фаолият турини ўзгартиришга имкон бермайди. Жамият тўлов қобилиятини йўқотганлиги, айланма маблағлари бўлмаганлиги, транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш учун бюртмачилар йўқлиги сабабли фаолият турини ўзгартириш учун тижорат банкларидан кредит олиш, инвесторларни жалб қилиш имкони йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сонли фармонининг 4-иловасига мувофиқ “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 0,5 фоиз давлат улуши оммавий савдолар орқали сотилиши, жамиятнинг устав капиталида давлат улуши устун мавқега эга бўлган корхоналарнинг улуши белгиланган тартибда бошқарув органлари қарорлари асосида баланс қийматида устав фондидаги давлат улушини камайтириш ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилиб, яхлит пакет савдога чиқарилиши белгиланган.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг устав капиталида давлат улуши устун мавқега эга бўлган “Ўзавтосаноат” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Фарғонаазот” АЖ ўз улушларини белгиланган тартибда баланс қийматида устав фондидаги давлат улушини камайтириш ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилган.

2022 йил 1 октябрь ҳолатига “Ангрен логистика маркази” АЖнинг устав капиталида 100% давлат улушини (акция пакетини) мустақил баҳоловчи “ВАНОЛASH VA KONSALTING MARKAZI” МЧЖ томонидан яхлит пакет қилиб савдога чиқариш учун бозор баҳосида баҳолаш ишлари амалга оширилмоқда.

III. Бозор ва маркетинг режаси

3.1. Бозор таҳлили

Вазифалар ва муаммолар таҳлили. "Ангрен логистика маркази" АЖ кейинги йил учун стратегик мақсадлар:

- транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш бозорида жамиятнинг улушини сезиларли даражада кенгайтириш;
- жамиятнинг маҳаллий автотранспорт йўналишларида юкларни ташишда зарар кўрмасдан ишлашини таъминлаш;
- юк ташиш ва терминал хизматлари кўрсатиш тарифларини, кўрсатиладиган бошқа хизматлар нархини мақбуллаштириш;
- жамиятнинг фаолият соҳаларини диверсификация қилиш, кўрсатилаётган хизматлар доираси ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш;
- жамиятнинг юк ташиш бозоридаги рақобатбардошлигини унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш ҳисобига кўтариш;
- жамиятнинг барча бўлинмаларида меҳнат, моддий, энергия ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали операцион харажатларни камайтириш;
- жамият бошқарувида интенсив технология ва иқтисодий самарали бошқарув механизмларини изчил жорий этиш.

Стратегик вазифаларни ҳал этиш жамият сифати ва самарадорлигига таъсир этувчи турли ички ва ташқи муаммолар билан бевосита ёки билвосита боғлиқ. Ушбу муаммолар қуйидаги соҳаларда жамият фаолиятининг турли жиҳатларини қамраб олади:

1. Иқтисодий соҳада – иш самарадорлигини ошириш, даромадларни ошириш ва жамият фаолиятининг барча турлари бўйича харажатларни камайтириш, фаолиятнинг фойда кўрмаётган соҳаларини изчил қисқартириш ва бартараф этиш, кўрсатиладиган хизматларга бўлган мижозларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда мослашувчан тариф сиёсатини жорий этиш.

2. Техник соҳада – мижозларга хизмат кўрсатишнинг илғор тизимларини кенгайтириш ва жорий этиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва автотранспорт воситаларида юк ташиш жараёни технологиясини такомиллаштириш, ходимларнинг юк ташиш хавфсизлигини таъминлашдаги билим даражасини оширишни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижда турли мақсадларда фойдаланиладиган автотранспорт воситаларини автоматлаштирилган бошқариш ва бошқариш учун автотранспорт воситалари учун GPS-мониторинг тизимини жорий этиш. Автоматлаштирилган операцион диспетчерлик бошқарув тизими GPS global жойлашишни аниқлаш тизимидан фойдаланиш.

3. Илмий ва ахборот хизматлари соҳасида – маркетинг тадқиқотлари доирасини кенгайтириш, ҳисобот ва тезкор ахборотларни узатишнинг электрон технологиясини жорий этиш, транспорт маълумотлар базасининг ҳисоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштириш.

4. Ижтимоий соҳада – меҳнат унумдорлиги ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини ўсишини рағбатлантириш, бажариладиган ишларни осонлаштириш, ходимларнинг таълим ва маънавий савиясини ошириш.

5. Жамиятнинг бошқариш соҳасида – жамият фаолиятини қайта кўриб чиқиш, маркетинг стратегияси аниқ стратегик мақсадларни ва жамиятнинг мақсадли бозорлар стратегиясини аниқлаш, бунда маркетинг тадбирлари мажмуи ва маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш.

6. Бозор ва савдо тадқиқоти – транспорт хизматлари бозорини ўрганиш жамиятнинг келгуси фаолиятини аниқлаш учун зарур бўлган маълумотларни олиш. Бунинг учун бозор салоҳиятини баҳолаш, сегментлаш ва мақсадли бозорни танлаш, жамиятнинг ушбу бозордаги фаолиятини прогнозлаш ва режалаштириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган транспорт хизматлари бозорида кенг маълумот тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ишлари амалга ошириш.

3.2. Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби

2023 йилда “Ангрен логистика маркази” АЖ автотранспорт воситаларида транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиладиган мижозлар рўйхати ва юклар ҳажми

№	Министерства и ведомства	Всего на 2023 год	по кварталам			
			1 кв.	2 кв.	3 кв.	4 кв.
Автотранспортными средствами						
	<i>Внутригосударственные перевозки</i>	94,13	16,71	30,80	25,91	20,71
1	ООО "ENERGY OIL GROUP"	10,00	2,50	3,50	2,00	2,00

2	ООО "OLTIN DEVOR BARAKA"	5,00	1,00	3,00	0,50	0,50
3	ООО "MUHAMMADRIZO MADINA"	2,00	0,50	0,50	0,50	0,50
4	ООО "Yuqorichirchiq Energy Systems"	5,00	2,00	1,50	0,50	1,00
5	ООО "Po`latobot"	0,30	0,00	0,00	0,00	0,30
6	ООО "Farrux Ravon Qurilish"	11,00	2,00	2,00	3,00	4,00
7	ООО "Metsol"	3,30	0,50	1,00	1,00	0,80
8	АО " Охангарандон"	5,30	0,00	5,30	0,00	0,00
9	СП ООО " Great Wall Ceramic Industrues"	1,30	0,10	0,20	0,50	0,50
10	Военная Часть 9209	0,50	0,00	0,00	0,50	0,00
11	Военная Часть 9227	0,50	0,00	0,00	0,50	0,00
12	СП ООО "Cental Asia Sanitaryware"	0,23	0,01	0,20	0,01	0,01
13	ООО "Al Basir Parranda Gold"	1,30	0,00	0,00	1,30	0,00
14	ООО "The Honest Businessman"	2,50	0,50	1,00	0,50	0,50
15	СП "Angren Xoshim Ota"	4,00	0,50	1,00	1,50	1,00
16	ООО "Sunnatullo Shaxboz Sarvar"	10,00	2,00	3,00	3,00	2,00
17	ООО "Angren Global Trans"	1,00	0,00	0,50	0,50	0,00
18	ООО СП "CENTRAL ASIA CERAMICS"	0,40	0,10	0,10	0,10	0,10
19	Прочие	30,50	5,00	8,00	10,00	7,50

3.3. Рақобат

Бозор иқтисодиёти транспорт хизматларига бўлган талабни ўрганишга, унинг истеъмолчилари билан пул муносабатларини ташкил этишга мажбур қилувчи истеъмолчининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиб, бу хизматлар, айниқса юк ташишда бошқа юк ташувчиларга устунлик берилади. Шу билан бирга, потенциал рақобатчиларнинг имкониятларини ҳисобга олиш муҳимдир. Транспорт компанияларининг барча тузилмалари фаолиятининг самарадорлиги бу муносабатларнинг қандай даражада ташкил этилганлигига боғлиқ.

Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юкларни ташиш бўйича асосий рақобатчилари хусусий ва бошқа автотранспорт компаниялари, халқаро йўналишларда юк ташишда эса асосий рақобатчилари темир йўл ва ҳаво транспорти ҳисобланади.

Жамият фаолиятининг муайян бозор ёки унинг сегментидаги рақобатбардошлигини баҳолаш ташкилотнинг технологик, ишлаб чиқариш, молиявий ва сотиш имкониятларини атрофлича таҳлил қилишга асосланади. Жамият муайян бозорда рақобат мавқеини таъминлаш учун кўрилиши зарур бўлган чора-тадбирларни йилнинг ҳар чорак якунларида кўриб чиқилади.

Жамиятнинг рақобатбардошлиги ҳам алоҳида, ҳам бошқа марказларга нисбатан "миқдор-сифат-нарх" сиёсати билан баҳоланади.

Мижозларни транспорт компанияларини танлашида асосий омил ҳали ҳам нарх, сифат ва ўз вақтида юкларини манзилга етказиб бериш омилдир. Турли марказларда ички алоқанинг бир хил йўналишлари бўйича ташиш харажатларини таққослаш натижалари шуни кўрсатдики, жамиятнинг транспорт харажатлари ўртача 1,1 баробар хусусий автокорхоналарга нисбатан юқори.

Истисно фақат хусусий тадбиркорларга тегишли бўлган хизматлар бўлиши мумкин, бу ҳам барча хабарларда муҳим рақобатни англатади, чунки у янада мослашувчан ва мижозлар сўровларига тез жавоб беради.

Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб юк ташишдаги фаолияти кўламини сезиларли даражада кенгайтиришни режалаштирган.

3.4. Маркетинг режаси

Жамиятнинг транспорт-экспедиторлик ва терминал хизматлари кўрсатиш тарифлари “Ангрен логистика маркази” МЧЖ томонидан шакллантирилиб тасдиқланади.

Жамиятнинг www.clangren.uz расмий веб-сайтида жамият томонидан кўрсатиладиган транспорт-экспедиторлик ва терминал хизматлари кўрсатиш тарифлари ва ўзаро мижозлар билан транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш учун тузиладиган шартнома лойиҳалари жойлаштирилган.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча хўжалик юритувчи корхона, муассаса ва ташкилотларга тижорат таклифлари тайёрланиб, жамиятнинг расмий электрон почтаси clangren@bk.ru орқали уларнинг расмий электрон почтасига юборилади ва улардан олинган жавоб хатларига асосланиб бюртмалар партфелини шакллантирилади.

Мижозларга жамият томонидан тасдиқланган тарифлар бўйича ўзаро тузилган шартнома асосида хизмат кўрсатилади.

IV. SWOT-таҳлили

Бозор муносабатларини ривожлантириш эркин тадбиркорликни юритиш тамойилларига мувофиқ амалга оширилади. Шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектларнинг зиддиятли манфаатлари бўлиши мумкин, бу эса рақобатнинг ортишига ва рақобатчилар хатти-ҳаракатини аниқ башорат қила олмасликка олиб келади. Доимий ўзгариб турувчи бозор шароитида ички транспорт тизими хавфсизлигига ички ва ташқи таҳдидларнинг кенг доираси яратилади.

Транспорт хизмати компаниялари фаолиятига кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Уларнинг баъзилари самарадорлигини ва шунга кўра, уларнинг иқтисодий хавфсизлик даражасини камайтириш ва молиявий инқироз эҳтимоли ва банкротлик хавфини ошириши мумкин. Бундан келиб чиқадики, жамиятнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир этувчи таваккалчиликлар мавжуд. Шунинг учун таваккалчиликни, унинг сабаблари ва уни бошқариш усулларини ўрганишга кўпроқ эътибор бериш лозим.

Ташқи ва ички омиллар таъсирида жамиятнинг маркетинг режаси бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи таваккалчиликлар пайдо бўлиши мумкин.

Таваккалчиликни белгилари ва турлари бўйича баҳолаш ва таснифлаш мижозларга хизмат кўрсатиш учун жуда муҳимдир. Демак, таваккалчиликларни таснифлаш белгилари қуйидагича: бухгалтерия ҳисоби ва оқибатларининг характери, суғурта қилиш имконияти, башорат қилинганни олдиндан кўриш, рухсат этилган молиявий йўқотишлар даражаси, критик ва ҳалокатли, ҳаракат давомийлиги, юзага келиш объекти.

V. Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

Жамият балансидаги барча бино-иншоотлар электр энергияси билан тўлик таъминланган. Энергия сарфини камайтириш бўйича муайян ишлар амалга оширилиб, энергия тежамкор технологиялар билан таъминланган.

Ой	Электрэнергия, кВт/час		Сув, метр куб		Газ, метр куб	
	Шартнома бўйича	Кутилаётган сарфи	Шартнома бўйича	Кутилаётган сарфи	Шартнома бўйича	Кутилаётган сарфи
январь	50000	35500	7500	675	5000	3500
февраль	50000	35500	7500	675	5000	3500
март	35000	24850	7500	675	2000	1400
апрель	30000	21300	7500	675	2000	1400
май	30000	21300	7500	675	2000	1400
июнь	30000	21300	7500	675	2000	1400
июль	30000	21300	7500	675	2000	1400
август	30000	21300	7500	675	2000	1400
сентябрь	30000	21300	7500	675	2000	1400
октябрь	50000	35500	7500	675	2000	1400
ноябрь	50000	35500	7500	675	5000	3500
декабрь	50000	35500	7500	675	5000	3500

VI. Кўрсаткичлар

6.1. Ишлаб чиқариш режаси

Жамият транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатганлиги учун ишлаб чиқариш билан шуғулланмайди.

6.1.1. Хомашё захираси

Жамият транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатганлиги учун ишлаб чиқариш билан шуғулланмайди. Хомашё захираси мавжуд эмас.

6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари

Жамият транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатганлиги учун ишлаб чиқариш билан шуғулланмайди.

6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати

Жамият транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатганлиги учун сўнги икки йил мобайнида ишлаб чиқариш билан шуғулланмаган.

“Анрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш РЕЖАСИ

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	Қувватдан фойдаланиш				Режа		Шундан				Ўсиш/ камайиш, %
				2021 йил	%	2022йил 9 ойлик	%	2023й.	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	
1.	Транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш	Тн	1 247 000	-	-	-	-	94 130	100	16 710	30 800	25 910	20 710	100
2.	Терминал хизматлари кўрсатиш	Контейнер	51 000	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
жами				-	-	-	-	94 130	100	16 710	30 800	25 910	20 710	100

6.1.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси

“Анрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун ишлаб чиқариш РЕЖАСИ

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2021й. (факт)	2022й. 9-ойлик (факт)	2022й.		2023й. (режа)	Ўсиш, %	Жумладан			
					режа	қутилаётган			1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
1.	Транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш	Тн	-	-	-	8 920	94 130	1 055	16 710	30 800	25 910	20 710
-	Терминал хизматлари кўрсатиш	контейнер	-	-	-	-	0	0	0	0	0	0
жами		Тн	-	-	-	8 920	94 130	1 055	16 710	30 800	25 910	20 710

“Анрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун маҳсулот (хизмат)лар сотиш РЕЖАСИ**

минг сўм

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи	2021й. (факт)	2022й. 9 ойлик (факт)	2022й.		2023й. (режа)	Ўсиш, %	Жами тушумд аги улуши	Шу жумладан			
				режа	қутилаётган				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
I. Корхона бўйича												
1.	Жами соф тушум (эгри солиқларсиз)	-	-	-	345 100	5 378 194	1 558	100%	1 053 000	1 745 796	1 391 079	1 188 320

6.2. Молиявий режа

6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар таҳлили

Жамият 2020 йилда 484 900 минг сўм даромад қилиб, давлат бюджетига 19 396 минг сўм солиқ тўлаган ва молиявий йилни 78 100 минг сўм соф фойда билан яқунлаган. Жамиятни 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига 578 509 минг сўм дебиторлик ва 874 795 минг сўм кредиторлик қарзи вужудга келган.

Жамият 2021 йилда 393 896 минг сўм даромад қилиб, давлат бюджетига 15 746 минг сўм солиқ тўлаган ва ҳисобот даврини 171 877 минг сўм соф фойда билан яқунлаган. Жамиятни 2022 йил 1 январь ҳолатига 534 094 минг сўм дебиторлик ва 695 156 минг сўм кредиторлик қарзи вужудга келган.

Жамият 2022 йилнинг тўққиз ойида 751 475 минг сўм даромад қилиб, давлат бюджетига 17 414 минг сўм солиқ тўлаган ва ҳисобот даврини 230 209 минг сўм соф фойда билан яқунлаган. Жамиятни 2022 йилнинг 1 октябрь ҳолатига 445 598 минг сўм дебиторлик ва 498 306 минг сўм кредиторлик қарзи вужудга келган.

Жамиятнинг тўлов қобилияти – 0,25, рентабеллик даражаси – 0,05, жорий молиявий барқарорлиги 1,00 коэффицентини ташкил эди.

6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)

Жамият 2022 молиявий йилда 422 608,7 минг сўм миқдорда ўз олдида даромад олиш режасини қўйган. 2022 йил учун тайёрланган харажатлар сметасида давр харажатларига 276 930,2 минг сўм, шундан маъмурий харажатлар учун 230 803,6 минг сўм, бошқа операцион харажатлар учун 46 126,6 минг сўм ажратилиши кўзда тутилган. Давлат бюджетига 16 904,3 минг сўм миқдорда фойда солиғи тўланганидан кейин 128 774,1 минг сўм соф фойда билан молиявий йилни яқунлашни режалаштирилган.

МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ

2023 учун даромад, харажатлар ва молиявий натижалар прогнози "фойда (зарар) прогнози" жадвалларида кўрсатилган.

Фойда(зарарлар) прогнози)

Кўрсаткичлар	Минг сум
Жами даромад	12 526 813
Сотиш ҳажми (юк ташиш)	5 378 194
Бошқа даромад	7 148 619
Ишлаб чиқариш харажатлари	8 735 111
Солиқ тўлашдан олдинги фойда	1 675 277
Солиқ тўловидан кейинги соф фойда	1423 986

Режалаштирилган тадбирлар тавсифи:

А. “Анрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун молиявий-иқтисодий сметаси (бюджет кўрсаткичи ўсиш динамикасида) РЕЖАСИ

минг сўм

№	Кўрсаткичлар	2021 йил факт	2022 йил 9 ойлик факт	2022 йил кутили ши	2023 йил режа	Ўзгариш		Шу жумладан					
						+/-	%	1чорак	2чорак	3чорак	4чорак		
	Жами даромад (эгри солиқларсиз), шу жумладан:	393 896	751 475		1252681 3								
	<i>соф тушум</i>	-	-	345 100	5 378194	5 033 094	1558 .4	1 053 000	1 745 796	1 391 079	1 188 320		
	<i>бошқа даромадлар</i>	393896	751 475	1 916 212	7 148 619	5 232 407	373	1 787 155	1 787 155	1 787 155	1 787 155		
	<i>молиявий фаолият даромадлари</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-		
	Ишлаб чиқариш таннархи			935 274	8 735111	7 799 837	934, 0	1 614 984	2 918 452	1 957 171	2 244 504		
	<i>хомашё ва материаллар</i>			757 728	4 344 176	3 586 448	573, 3	481 500	1 821 968	876 687	1 164 020		
	<i>энергия ресурслари</i>			11 667	174 130	162 463	1493	52 826	35 217	35 217	50 870		
	<i>Йиғинчи-ходимлар иши ҳақи</i>			70 799	2 940 599	2 869 800	4153 .4	735 150	735 150	735 150	735 150		
	<i>ижтимоий сугурта харажати</i>			8 495	352 872	344 377	4153 .9	88 218	88 218	88 218	88 218		
	<i>асосий воситалар (номоддий активлар) амортизацияси</i>			430 565	930 465	499 900	216	231 366	231 366	231 366	231 366		
	<i>бошқа харажатлар</i>			40 716	172 000	131 284	422	78 750	41 750	25 750	25 750		
	Давр харажатлари	203 577	501 749	1 074 782	2 116 425	1 041 643	196, 9	527 802	527 802	533 019	527 802		
	<i>сотиш харажатлари</i>												
	<i>маъмурий харажатлар</i>	161 028	159 379	498 669	769 220	270 551	154, 3	192 305	192 305	192 305	192 305		
	<i>бошқа операцион харажатлар, шу жумладан:</i>	42 549	342 370	549 113	1 347205	798 092	245, 3	335 497	335 497	340 714	335 497		

ҳомийлик ва бегараз ёрдамлар											
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	2 696										
фоизлар шаклидаги харажатлар											
валюта курси фарқидан зарарлар	685										
молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	2011										
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	187 623	247 623	278 254	1 675277	1 397 023	602, 1	697 369	86 696	688 044	203 168	
Фойда солиғи	15 746	17 414	21 089	251292	230 203	1191, 6	104 605	13 004	103 207	30 475	
Соф фойда/зарар	171 877	230 209	254 522	1 423986	1 169 464	559, 5	592 764	73 692	584 837	172 693	
ЕБИТДА кўрсаткичи (млн.сўм / %)											
Дебиторлик	534 094	478 470	23 665 856	21 633 856	2002000	91,4	23 157 856,00	22 649 856,00	22 141 856,00	21 633 856,00	
Кредиторлик	695 156	498 305	705 018	285 018	420 000	40,4	600 018,00	495 018,00	390 018,00	285 018,00	

Б. Соф фойдани тақсимаш

№	Йўналишлар	Улуши, %	2021 йил якуни	2022 йил якуни қутилиши	2023 йил якуни (режа)	минг сўм шу жумладан,		
						1-чорак	2-чорак	3-чорак
	Соф фойда	100%	171 877	254 522	1423986	592764	666456	1 251293
1	Дивиденд учун жами, 75% шу жумладан		128 907,75	190 891,5	1 067 989	444 573	499 842	938 469
2	имтиёзли акцияларга							
3	оддий акцияларга, шундан:		57 557,34					
4	давлат улушига, 75%	100%	71 350,41	190 891,5	1 067 989	444 573	499 842	938 469
5	Инновацион ривожлантириш фондига, 10%			25 452,2	142 399	59 276	66 646	125 129
6	Захира фондига, 5%		8593,85	12 726,1	71 199	29 638	33 323	62 565
7	Жамиятни ривожлантириш учун, 5%		42969,25	12 726,1	71 199	29 638	33 323	62 565
8	Бошқа мақсадларга 5%			12 726,1	71 199	29 638	33 323	62 565



6.2.3 Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)

Жамиятнинг асосий даромади кўрсатадиган транспорт-экспедиторлик хизматлари, автотранспорт ва бошқа мол-мулкларни ижарага бериш ҳисобига шаклланади.

минг сўм

№	Даромадлар манбаи	2021 йил факт	2022 йил 9 ойлик факт	2022 йил кутилиши	2023 йил режа	Ўзгариш		шу жумладан,			
						(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
	Жами	-	751 475	2 261 312	12526813	10 265501	554,0	2 840155	3 532951	3 178233	2 975474
	Асосий фаолиятнинг даромади	-		345 100	5 378194	5 033094	1558,4	1 053 000	1 745 796	1 391 079	1 188 320
	Бошқа фаолиятдан даромад жами, шу жумладан:	288 000	751 475	1 916 212	7 148 619	5 232407	373	1 787 155	1 787 155	1 787 155	1 787 155
	ундириладиган жарима ва пенялар										
	ёрдамчи хизматлар										
	асосий воситаларнинг баланسدан чиқарилиши										
	безараз молиявий ёрдам, ҳомийлик										
	Молиявий фаолият даромади жами, шу жумладан:	188						-	-		
	олинадиган дивиденд ва қимматли қозғалардан бошқа даромад										
	Валюта курси фарқидан даромадлар	188									
	улушлар капитализацияси										
	молиявий фаолиятдан бошқа										

Даромадлар таркиби



6.2.4 Харажатлар ва таннархни оптималлаштириш

“Анрен логистика маркази”АЖ томонидан амалга ошириладиган хомийлик ёрдамлари тўғрисида маълумот

